



Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Соғувда эркин нархда

- 2 Боғлар жамолига кўз тўймас...
- 3 Демурсадлик Астонбой...
- 4 Оклохомадан алангалик салом
- Сумалак сизинг, она!
- Владимир билан Холжон
- Тафтингни сездим, Ватан!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида


Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол гоҳининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, гоҳий-бадиий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида такомиллаштириш мақсадида:

1. «Ўзбекино» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси, Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг «Ўзбекино» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзбекино» Миллий агентлиги этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.
2. Қуйидагилар «Ўзбекино» Миллий агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин: кино санъатининг миллий маданиятини ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳа-

ражасини ошириш; муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган кино ва видео маҳсулотларини ноқонун равишда республика ҳудудига олиб киришга, улардан фойдаланиш, ижарага бериш ва тарқатишга қарши зарур чоралар кўриш; импорт ва экспорт қилинадиган кино ва видео маҳсулотларига экспорт баҳоси берилишини амалга ошириш, республика ҳудудига кино ва видеофильмлар кўрсатиш ва улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг қондаларини белгилаш;

3. «Қорақалпоқкино» давлат-акциядорлик компанияси «Қорақалпоқкино» агентлиги этиб ҳамда «Кино-видео» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари «Ўзбекино» Миллий агентлигининг тегишли ҳудудий бўлиmlари этиб қайта ташкил қилинсин.
4. Белгилаб қўйилсинки: кино ва видеомаҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва прокат бўйича фаолият турларига лицензиялар бериш, уларнинг амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг ҳудудасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.
5. «Ўзбекино» Миллий агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш соҳасидаги ишчи органи вазифасини бажаради.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 29 апрелдаги «Ўзбекино» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1427 Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddат ичинда мазкур Фармони бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2004 йил 16 март



Сумалакка аталган буғдой майса бўлди!

Республика маҳаллаларининг бугунги ютуқларида Жиззах вилоятининг алоҳида ўрни бор. «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими «Обод маҳалла йили» дастурини муваффақиятли яқунлади.

МАҲАЛЛАЛАРНИНГ НУФУЗИНИ ОШИРАЙЛИК

Янги сайланган оқсоқоллар сафи кенгайди, сифат жиҳатидан яхшиланди. Маҳаллаларнинг кишилар ўртасида нуфузи ошиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш ширини ҳаётга татбиқ этишда ўзини ўзи бошқариш органлари жон куйдириб фаолият кўрсатмоқда. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тadbирда шу ҳақда сўз борди. Унда жамғармаларнинг бўлим ва бўлимчалари, фуқаролар йиғинлари раислари қатнашди. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви раиси А.Гайдуков билан йиғилганлар ўртасида жонли мулоқот бўлиб ўтди.

Қизғин мунозара, савол жавоблар билан ўтган анжуман сўнггида «Обод маҳалла йили» дастурини муваффақиятли яқунлаган маҳалла раисларига қимматбахо совғалар топширилди.

Пардабой **ТОЖИБОВ**,
«Mahalla» мухбири.

ФАОЛЛИКСИЗ

ёки Жиззахда сайловлар қандай ўтди?

Ўтган йилнинг ноябр-декабр ойларида мамлакатимиз бўйлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайловлар бўлиб ўтди. Вилоятимизда ҳам бу жараён қонун талабларига мувофиқ, демократизм, ошкоролик руҳида ва айниқса фуқароларнинг юксак ижтимоий-сиёсий фаоллигида ўтди.

Олий Мажлис Кенгаши қарори талабларига биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ўтказилган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва уни юқори савидада ўтказиш, йиғин раиси (оқсоқол)лигига ташкилотчилик қобилияти бор, аҳоли ўртасида обрў-этиборга эга, бозор муносабатлари ва амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини тушунадиган сиёсий онгли, маънавий етуқ кадрларни танлаш мақсадида жойларда ишчи гуруҳлари, шаҳар ва туманларда комиссиялар тузилди. Улар томонидан кенг жамоатчилик фикрига таянган ҳолда, Жиззах вилоятида 693 нафар номзодлардан 276 нафари раис этиб сайланди.

Ҳисобларга кўра сайловда 435023 нафар вилоятдошларимиз, яъни сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 95 фоизи қатнашди. Бу ҳолда вилоят аҳолисининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги сезиларли даражада ўсганини далиллайди.

Вилоятимизда ҳозирги кунда 113 та шаҳарча ва қишлоқ, улар ҳудудига 102 та маҳалла ҳамда 61 та шаҳарлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Йиғин раисларининг 221 нафари, яъни 80 фоизи олий маълумотга эга

бўлиб, уларнинг 8 фоизини аёллар ташкил этади. Раисларнинг аксарият қисми 40-60 ёшдаги, ҳаёт тажрибасига эга, обрўли инсонлардир. Улар орасида бир нафар Олий Мажлис, уч нафар вилоят Кенгаши депутатлари, уч нафар фан номзоди бор. Раисларнинг 44 нафари биринчи марта ва 42 нафари муқобиллик асосида сайланган.

Йиғинларда фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича доимий комиссиялар тузиб олинди. Ёшлар ва хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи комиссиялар раислари фуқаролар ташаббуси билан йиғин раисларининг жамоатчилик асосида ўринбосари этиб сайландилар.

Йиғинларда давлат ҳокимияти органлари вакиллари, Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатлари фаол иштирок этишлари ҳамда сайловларнинг қонун доирасида ўтишига ўз ҳиссаларини қўшилиши, Натижада, вилоят комиссиясига жойлардан қонун бўзилишларига йўл қўйганлиги тўғрисида шикоят ва аризалар тушмади.

Сайлов тadbирлари ва сайловларнинг бориши вилоят оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилди. «Жиззах ҳақиқати» ва «Джизакская правда» рўзно-

Сайёра ТҮЙЧИЕВА,
Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари,
вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси, фалсафа фанлари номзоди.

маларида, вилоят ва шаҳар телевидениесида алоҳида руқиялар ва чиқишлар ташкил этилди.

Сайлов йиғинларида сўзга чиққан фуқаролар томонидан қишлоқ аҳолисига хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, вилоятнинг тоғли ҳудудларидаги қишлоқларнинг тарқоқлигини инобатга олиб, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида янги фуқаролар йиғинлари ташкил этиш истаклари билдирилди.

Бўлиб ўтган сайловларнинг дастлабки якунлари вилоят ҳокимлигида сайловларни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, мутасалли вилоят ташкилотлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий ишлар ва калпар масалалари бўйича гуруҳ раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилди ва янги сайланган йиғин раисларининг ўқувини ташкил этиш ҳамда йиғинларда билдирилган таклифларнинг ижросини таъминлаш бўйича тadbирлар белгилаб олинди.

Мухтасар айтганда, фуқароларнинг юксак фаоллиги остида ўтган ушбу сайлов аҳолининг кенг қатламлари учун қинокам демократия мактаби бўлиб қолди. Сайлов давлатнинг муайян вазифаларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида босқичма-босқич ўтказиш борасида талланган йўли тўғри эканлигини, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганлигини, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалга ошириш нақадар муҳим эканлигини яна бир бор аққол кўрсатмоқда.

Расмий
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси бўйича муайян ижобий ишлар қилинаётгани таъкидланди. Чунончи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иқтисодий-ижтимоий базаси мустаҳкамланмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинларида гузарлар ташкил қилинган. Уларда турли савдо растанлари, чойхоналар, машиий хизмат кўрсатиш шахобчалари мунтазам ишлаб келмоқда.

Маҳаллий ҳокимият идоралари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига моддий ва услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

«Обод маҳалла йили» дастури доирасида маҳаллаларга бириктирилган ҳомий ташкилотлар томонидан шаҳар ва туманларда ўтган йили 30 та маҳалла гузари қурилиб фойдаланишга топширилган. Шунингдек, маҳалла ҳудудларида 154 та янги иш ўринларига эга бўлган 100 та машиий хизмат кўрсатиш шахобчалари барпо этилган. Ҳозирда маҳаллалар ҳудудига ҳомий корхоналар кўмагида барпо этилган милиция таянч пунктлари фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам аҳвол бу даражада қониқарли эмас. Баъзи бир маҳалла фуқаролар йиғинларининг биноси аянчи аҳволда. Масалан, Норин тумани У.Юсупов номли қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Тегирмонбоши маҳалла фуқаролар йиғини биноси шундай аҳволга келиб қолган.

Маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш мақсадида ўтган йилнинг ўзида ҳокимликлар «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимчалари ҳамда ҳомийлар томонидан 110 та спорт майдончалари ҳашар йўли билан қурилган. Ҳозирги кунда 300 дан зиёд спорт майдончаларида маҳалла болалари спорт билан шуғулланмоқдалар.

Жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ободончилик ва кўламазорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёшлар ва ўсмирлар тарбияси, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш йўлида кенг қўлама профилактика ва тушунириш ишларини амалга оширмоқда. Оила эҳтиёжига зарур бўлган маҳсулотларни етиштиришлари учун уларга микрокредитлар бериш йўлига қўйилган. 2003 йилда 153 миллион сўмдан ортиқ маҳаллада яшовчи фуқароларга Таянч кредит уюшмаси орқали кредитлар берилган.

Шунингдек, Кўмита мажлисида иккинчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн ичинчи сессиясида биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлов тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди. Кўмита раисининг ўринбосари Й.Жураев Қонун лойиҳаси устида олиб борилган ишлар ҳусусида ва умумхалқ муҳокамаси даврида тушган таклифлар, фикр ва мулоҳазалар юзасидан ахборот берди. Депутатлар ушбу Қонун лойиҳасини Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясига иккинчи ўқишда киритишга келишиб олдилар.

ОГОҲЛИК — ҲАР КУННИНГ ТАЛАБИ

Дунёнинг турли мамлакатларида бўлаётган воқеалардан хулоса чиқарган ҳолда мамлакатимиз фуқаролари бир нарсга амин бўлишлари табиий: ҳаётнинг энг асосий мазмуни юрт тинчлиги, кишиларимизнинг ҳаёт кечиришидир.

Юртимизда баҳор. Баҳор — яратиб, янгилашиб, қувониш, бир сўз билан айтганда байрамлар фасли. Бугун ҳар бир юртодошимиз қалбда шундай кайфият сезасиз. Бунга биринчи имкон — юрт тинчлиги, халқ оқсоқиллигинидир. Аммо бундай оқсоқиллик ўз-ўзидан бўлмайди. Мамлакатимиз Президентини, ҳукуматимиз, қолаверса, чегара-постлардаги хушёр ўгончиларимиз, ички ишлар, хусусан, маҳалла таянч пунктлари ходимларининг жонфидолиги бизга шундай оқсоқиллик ҳаёт ҳада этмоқда.

Бу ўринда киши бир мулоҳазасига ҳам боради: бундай оқсоқиллик бизнинг, айниқса, аҳолининг, маҳаллаларимиз фаолларининг бу борадаги хушёрлигини ташкил этишга сабаб бўлиши мумкин эмас. Кишиларимиз орасида ўринли даъват бўлиб қолган «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!» ширинга амал қилишдан асло чекинмаслигимиз даркор, деб ўйлайман.

Шу мақсадда маҳалла оқсоқилидан тортиб, маҳалла лособию фаолларига ҳар бир тadbирда, ҳар бир онлада огоҳлик даъватини қалбларга сингдириб туриши зарур, деб ўйлайман.

С.ЎЛЖАЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Қашқадарё вилояти Фузур тумани бўлимчиси раиси.

Обуна-2004
Mahalla
— Яна нима дейди?
— «Mahalla» ўқувчилари кўпаяпти, — дейди.

Салом, янги муштариф!
Mahalla — ФАҚАТ МАҲАЛЛА УЧУН ЭМАС ЭКАН!
Мен маҳаллада фаолият юрита бошлаган илк куларимодёқ «Mahalla» газетаси кўлимга тушди. Уни кўнот билан ўқиб чиқдим. Газетадаги ранг-баранг мақолалар мени ўзига ром этди.
Тўғриси айтсам, илгари бу газетани бирор мартаба ўқиманган, ҳатто шундай номда газета чоп этилишдан хабарим ҳам йўқ эди. Аммо маҳалла фуқаролар йиғинида педагог-тарбиячи бўлиб ишлаб бораётган, газета билан яқиндан танишиб, унда берилаётган мақолалар меҳримни тортиди.
Ҳозирда «Mahalla» орқали соҳамга тегишли бўлган маълумотлар, янгиликлар билан доимий танишиб бораман. Аммо бир савол мени қийнайди. Нега мен маҳаллага ишга келганимча бу газетани ўқимаман? Чунки «Mahalla»га асосан фақатгина маҳалла тизимига оид бўлган кишилар ёхуд фуқаролар йиғинлари обуна бўлишади. Аслида унга мактаб, боғча ва бошқа таълим масканлари, қолаверса турли корхона ва ташкилотлар ҳам обуна бўлсалар бўлар экан.
Шу вақтга қадар мактабда «Камолот» ёшлар ҳаракати бошланғич ташкилотининг етакчиси сифатида фаолият кўрсатдим, лекин ҳеч бир мактаб кутубхонасида «Mahalla»ни учратмадим. Бироқ, юқорида зикр этилган муассасаларда таълим олувчилар ҳам, билим берувчилар ҳам мазкур газетадан баҳраманд бўлса яхши бўларди.
Муҳайёбону **ЎДГОРОВА**,
Бухоро шаҳри Гулчабоғ маҳалласи фуқаролар йиғини педагог-тарбиячиси.

НАВРЎ КЕЛДИ
Бу осмоннинг буюклиги асли бекор,
Бу дунёда ҳар нарсадан устун баҳор.
Минг йилларки унга ҳамма мафтун боқар,
Наврў келди юртимизга, Наврў келди!

Қорли тоғлар чўққисига оху кезар,
Кўёш унинг изларини нурга безар,
Қувонган эл кўксига гул баргин ёзар,
Наврў келди юртимизга, Наврў келди!

Йўлаар узун, бу йўللарида орзулар мўл,
Кўёшга ҳам етгай бузуи узатсанг кўл,
Дўстим бўлсанг, қувончига сен шерик бўл,
Наврў келди юртимизга, Наврў келди!

Ош тортилган дастурхонда сумалак бор,
Юрт белига боғламоққа камалак бор,
Қизлар сочин ўрмоқликка жамалак бор,
Наврў келди юртимизга, Наврў келди!

Mahalla
Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида
060 рақами билан рўйхатга олинган
Наврў кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» хиссасдорлик жамияти
Тажрият манзили: Тошкент, Телфотчилар, 32-уй
Телефонлар: 136-53-93.
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиби: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.
Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.
Н.ҲАМИДОВ

Янги оқсоқол сайланди...

Фаргона вилояти

Сўх туманидаги Демурсад маҳалла фуқаролар йиғинида Мехр ва мурувват йили эзгу мақсадлар ҳамда янги-янги ташаббуслар билан бошланди. Бунда янги сайланган оқсоқол Астонбой Ҳомидовнинг ҳиссаси катта.

ДЕМУРСАДДА ШИКОЯТГА ҲАМДА ҲАМДА ЯНГИ-ЯНГИ ТАШАББУСЛАР БИЛАН БОШЛАНДИ. БУНДА ЯНГИ САЙЛАНГАН ОҚСОҚОЛ АСТОНБОЙ ҲОМИДОВНИНГ ҲИССАСИ КАТТА.

Чунки маҳаллага муносиб оқсоқол сайланди

Асл касби иқтисодчи бўлган Астонбой ака туманда турли раҳбарлик лавозимларида ишлашга қарамай, ҳамма маҳалла ишида фаол қатнашиб келди. Одамларга қўлидан келганига яхшилик қилиб, меҳр-мурувват кўрсатди.

Сайловдан сўнг оқсоқол маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари билан Мехр ва мурувват йилида амалга оширилган ишлар ҳақида маслаҳатлашди. Сайлов даврида билдирилган танқидий фикр ва таклифлар ҳам ҳисобга олинди.

Маҳалла ҳудудида 7 та фермер, 2 та фирма ва 8 та хусусий тадбиркор фаолият кўрсатади. Яна анчагина ўзига тўқ оилалар бор. Уларнинг раҳбарлари, оила бошлиқлари маҳалла фуқаролар йиғини таклиф қилиб, режалар таништирилди.

Натижада тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан маҳалла ҳисоб рақамига дастлаб пул ўтказилди. Бу маблағ ҳозирга келиб ярим миллион сўмдан ошиб кетган.

Энди ранс бемалол маҳалла йиғини орқали етим-есирларга, ногиронларга, кўп болали ночор оилаларга мурувват кўрсатиши, боқувчисидан жудо бўлган ва ёлғиз қарияларга ҳамхўрлик қилиши мумкин эди. У дастлаб 17 нафар қария ва ногиронлар хонадонига бориб, улар ҳолидан хабар олди, совга-саломлар улашди. 7 нафар кам таъминланган ночор оилаларнинг коммунал тўловлардан қарзларини узиб, уйларига газ ўлچагич асбобини ўрнатиб берди.

Мурувватдан маҳалла ҳудудида жойлашган 10-мактабнинг ёрдамга муҳтож ўқувчилари ҳам четда қолмади. Ўқув масканининг ногирон, уй шароитида ўқитилган 4 нафар ўқувчиларига моддий ёрдам кўрсатилди. Энг яхши спортчи жамоалар учун 5 дона тўп совга қилинди. Йил бошидан энг аълочи ва иқтидорли 4 нафар ўқувчилар учун ҳар бири 5 минг сўм миқдорда бўлган маҳалла стипендияси ташкил қилинган эди.

А.Ҳомидовнинг маҳалладошларига кўрсатаётган меҳр-оқибати биргина бу эмас. У маҳалла марказидаги йиллар давомида ташландиқ бўлиб ётган чойхонани таъмирлаб, шинам дам олиш масканига айлантирди. Турли байрамлар муносабати билан бу ерда базм уюштириб, ош дамлаб маҳалла аҳлини хушнуд этди.

Айрим маҳаллаларда бўлганимизда қариялар нафақа пулларини вақтида ололмаётганидан, фуқаролар газ босимининг пастлигидан, электр таъминотидан, тоза ичимлик сувининг йўқлигидан ва бошқа камчиликлардан нолиб гапиряпти. Лекин тоғлар орасида жойлашган Сўх туманининг Демурсад маҳалласида бундай арзу шикоятларни эшитмадик. Маҳалла аҳли тинч-осойишта, ахил-иноқ яшашапти ва меҳнат қилишапти.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Абдурахмон ФАЙЗИЕВ,
Термиз тумани ҳоқими.

Саксон мингга яқин аҳоли яшайдиган туманимиз тарихан ўзига хос урф-одат ва анъаналарга эга. Ал-Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Қирққиз, Кокилдор ота, Фаёзтепа каби обидаларимиз Термизнинг 2500 йиллиги муносабати билан қайта таъмирланди, кенг қўламда ободончилик ишлари амалга оширилди. Бу юмушларни бажаришда барча маҳаллалар фуқаролари бир тан-бир жон бўлиб астойдил меҳнат қилдилар. Чунки туманга унинг ободончилигига қараб баҳо берилишини ҳалқимиз яхши билади.

Маданият ва истироҳат боғимиз қайтадан бунёд этилди. Теннис корти, спорт майдончалари, милтиқдан отиш учун тир, болаларнинг қувноб-яйраши учун қўп-қўп турли ўйингоҳлар яратилди, янги мосламалар, асбоб-ускуналар ўрнатилди. Қўл бўйида теплоходда сайр қилувчиларнинг чиқиб-тушишига қўлайлик яратиш мақсадида мўъжазгина портча қурилди. Ошхона, чойхона, савдо дўконлари қад ростлади. Маҳаллалар вакиллари ўзларига юклатилган ишни сиқидилардан адо этиб, қўнгилли ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароитни муҳайё этишга катта ҳисса қўшишди.

Туманимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ишлар билан бирга ижтимоий соҳага, кичик ишлаб чиқариш шохобчаларига, хизмат кўрсатиш нуқталарини азон талаблари даражасига етказишга ҳаракат қилаяпти. Охириги олти ой мобайнида туманимизда қирқта янги ишшоот фойдаланишга топширилди. Буларнинг аксарияти дўконлар, ошоналар, дорихоналар, замонавий бекатлардир. Шу билан бирга ўн заводи, конфет ишлаб чиқариш ҳамда тикувчилик цехлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад кўтарди. Спорт майдончаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратганимиз. Юқоридаги ишларга салкам 550 миллион сўм маблағ сарфланди. Мухими шундаки, ана шу объектлар маҳаллий бюджет ҳисобидан эмас, балки тадбиркор, ишбилармон, му-

ТИНЧ ҲАМДА ЯНГИ-ЯНГИ ТАШАББУСЛАР БИЛАН БОШЛАНДИ. БУНДА ЯНГИ САЙЛАНГАН ОҚСОҚОЛ АСТОНБОЙ ҲОМИДОВНИНГ ҲИССАСИ КАТТА.

рувватли кишиларнинг шахсий жамғармалари эвазига бунёд этилди. Ана шундай эзгу ишларни қўнглига тутиб, юртдошларининг узоғини яқин, оғирини енгиб қилаётган саховатли инсонлар қўлайиб бораётганидан мамнунимиз. Чунинчи, Холмамат Нормуродовнинг ўз даромади ҳисобидан кўрсатаётган меҳр ва мурувватини тилга олиш жоиз. Тажрибали тадбиркор Паррандачилик маҳалласи ҳудудидаги қаровсиз эски бинони қайтадан таъмирлатиб, жиҳозлаб, икки смендада машғулотлар ўтказиб бераётган мақтаб ихтиёрига топширди. Ҳозирги кунда бу ерда 270 нафар ўқувчи тўққизта кенг ва ёруғ синфхоналарда таълим олмақда. Шунингдек, Холмамат ака аълочи ўқувчиларга пул мукофоти, стипендия жорий этган.

Жайронхона маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор йиғитлар — Абдуҳаким Ҳамидов, Сирожиддин Сарфарозов, Комилжон Мусурмоновлар ҳам эзгу ишга қўл урдилар. Улар ўз маблағлари ҳисобидан дўкон, маиший хизмат ўйини қуриб, ишга туширдилар. Ҳозирда "Ҳилола" хусусий фирмасига қарашли маиший хизмат шохобчаси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Намуна маҳалласи фуқароси Фахриддин Норбоев Учқизил темирйўл бекатига яқин жойда алебастр цехини ишга туширди. Янгиҳаёт маҳалласидан Ашурбой Обидов сэй-ҳаракатлари билан Катта йўл бўйида икки қаватли шинам ошхона қад ростлади.

Хайрли ишлардан аёлларимиз ҳам четда қолишмайпти. Мангузар маҳалласи ақли Гулсара опа Хоналиевани жуда ҳурмат қилишади. Онахон кўп йиллар мобайнида қишлоқ фуқаролар йиғинини бошқарган. Гулсара опа пенсияга чиққач, уйда бекор юришни эп кўрмай фермер ҳўжалиги ташкил этди. Орадан бир оз вақт ўтгач, дурдогоҳларни тўлаб, мебель цехини ишга туширди. Сўнгра консерва заводини асос соди. Қисқаси, онанинг тадбиркорлиги туфайли ҳамқишлоқлардан қарийб юз киши иш билан таъминланди.

Наврўз маҳалласида Шарофат Бердиева, Навоий маҳалласида Турсунбой Отоирова каби тадбиркорларимизнинг дўконлари халққа хизмат кўрсатмоқда.

Айни пайтда аҳолига қўлай шарт-шароит яратиб бериш ҳар бир қишлоқ ва маҳалла йиғинларининг бош вазифасига айланган. Бешта қишлоқ ва ўттизта маҳалла фуқаролар йиғинида обод гузарлар барпо этилган. Қишлоқлардан Термиз шаҳри ва туман марказига автобуслар, йўналишли таксилар мунтазам қатнаши йўлга қўйилган.

Туманимиз ҳоқимлиги ободончилик ишларини амалга оширишда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларига, уларнинг оқсоқоллари маслаҳатига таяниб иш тутиб келмоқда. Ҳамкорликда, бамавж ҳат қилинган иш зое кетмайди, ўзининг ижобий самарасини беради, албатта.



Бу йилги баҳор «Эулфия» мукофоти совриндори бўлган ёш истеъдодли қизлар учун янада тароватли экани шубҳасиз.
СУРАТДА: ушбу мукофотга яқиндагина мурасар бўлган наманганлик Феруза Абдуқоҳорова ва қандайдирлик Наргиза Раҳимовалар. Нуъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Мехр ва мурувват маҳсули — оила

АНГАРИҚДА ДУВ-ДУВ ГАП БЎЛГАН ТҮЙ

Гандимиён қишлоғининг Ангариқ маҳалласида бўлган тўй дастурхони беками кўст эди. Аммо биз бу тўйни бошқа сабаб билан тилга олаяпти, гап бутунлай бошқа ёқда. Келинг, кичкина лирик чекиниш қила қолайлик бахт тўйи онларидан эсдалик дея суратга тушишди.

...Кунларнинг бирида Йўлдош Жуманиёзов йўл бўйида кўзларини мўлтиратиб турган болага кўзи тушди. Қиш. Совуқ. Ёмғир томчилаб, секин-секин кучаймоқда. Бола қўл кўтармасида машинасини тўхтатиб, ҳол-аҳвол сўради. Кўзлари ёшланди боланинг: "Ота-онам ташлаб кетган. Борадиган жойим йўқ".

— Утир, машинага - леги Йўлдош, - меникида яшайсан. Уйимиз кенг. Бирга етган ўнга ҳам етди. Бола бу меҳрибончиликдан ҳайрон қолди. Ишонқирмай машинага ўтирди. Йўлдошбойнинг ота-онаси ҳам ўта элпарвар, қўли очик одамлар эмасми, рус миллатига мансуб бу бола шу оиланинг ҳақиқий аъзосига айланди. Иسمи Владимир экан. Аммо каттадан-кичик уни суюб, эркалаб "Вовка" деб атай бошлади. Хуллас, болакай шу оила бағрида ҳеч ўқсимай ўсиб-ўлғайди, воёга етди. Уйлан-

тириш таралдуғига тушдилар. Бўлғуси қудалар Владимирни, уни боқиб ўстирган оилани яхши билганларидан совчиларни куруқ қайтаришмади. Тўй эса жуда зўр ўтди. Ҳамма яйраб-яшнаб ўтирди. Уртага чиқиб ўйнамаган қолмади ҳисоб. Тўйнинг довури туманга таралди. Ҳозир ҳам бошқа тўйлардан меҳр-мурувватнинг ёрқин мисоли сифатида ажралиб турувчи бу тўй ҳақида дув-дув гап юрибди:

- Етимни бошини силаганини Яратган эгамнинг ўзи сийлайди.
- Бай-бай. Санъаткорлар хизматини айтинг. Раҳмат Йўлдошбой билан Дилдорага, топган-тутганини аяшмади.
- Қўша қарисинлар Владимир билан Холжон.
- Умрлари Наврўздай гўзал бўлсин!
- Йўлдошбой Жуманиёзов — тадбиркор фермер. Хива туманидаги Божобон Нуруллоев номли деҳқон-фермерлар бирлашмасида ишлайди. Тўрт фарзанднинг отаси.

Владимирни бешинчи фарзандимиз деб биламиз, — дейди у. — Унга оиламиз аъзолари, қариндошлар тугул кўни-қўшнилари ҳам шу қадар ўрганганларки, қўяверинг. Бир кунни кўришмасида кўнгилилари тўлмайди. Жуда дилқаш, самимий, шўх йигит. Меҳнатқаш.

Хоразм вилояти



СУРАТДА: Мехр ва мурувват ҳосиласи сифатида дунёга келган янги оила соҳиблари Владимир ва Холжон.

одоб-иқромли, саранжом-сариштали, уйим, элим деб тиришадиган жонкуяр қиз.

Абдулла САФОВЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Иш билган меҳр курсатади

"АВАЗХОН"НИНГ ДОСТОН ИШИ

Гап "Авазхон" достони ҳақида эмас. Тўғри, бу машҳур достоннинг бош қаҳрамони Авазхон полвонкелбат, элим-юртим деб жонини жабборга берадиган ўғлон. Лекин, ҳозирги кунимиздаям достондаги Авазхондан қолишмайдиган ҳақиқий қаҳрамонимиз бор. Ким дермиз? Оҳангарон туманидаги "Авазхон" фермер ҳўжалиги раҳбари Авазхон АЗИМОВнинг қилган ишлари битта достонга жо бўлгулик.



Авазхон АЗИМОВ (ўнган) маҳалладошлари билан.

У кейинги йилларда изланишлари, тадбиркорлиғи ташаббуслари билан кўпчиликнинг тилига тушди. Аслида у оддий, содда, дўлбори бир одамга ўхшайди. Ҳақиқат унинг ўтга, чўққаям уради. Оилам тинч, болаларимнинг келажакни фаровон бўлсин дея орзуланади. Бошқаларникидан бошқачароқ ҳислати шундаки, бирор ишни бажараётиб, "бу хатти-ҳаракатим одамларга бирор наф келтирармикан" деб қўйиб-пишди. Мухими, атрофдагилар хурсанд бўлсин, дейди. Қалимдан қолган гап бор: "Эр йигит элим деса, эл уни ўғлим дейди!" Бу кун давраларда ундан сўз сўровчилар, маҳалла ва қишлоқларда унинг маслаҳатини, маданий кўтувчилар кўпайди. Бировларга доимо керак бўлиб яшасанг яхшида! Ахир одамзод шу учун дунёга келган, ҳаётининг мазмунини шунда...

Бундоқ қараганда кўпчиликка маъқул бўлиб яшаш осон эмас. Ўзининг чинакам меҳнат майдонига кўрсатсангинга бунга эришасан.

қозонди! Хўш, қандай қилиб? Мавжуд гектарларга экилган бугдой, сабзавот экинларидан мўл-ҳосил олиш, бог-роғларни кенгайтириб мева-чева етиштириш, қисқа муддатда гектаридан 30 центнер ўрнига 50 центнердан гафла ҳосили олиш осон кечгани йўқ. Ҳосил мўл бўлса, даромад ҳам зўр бўлади! Биргина ўтган йилнинг ўзидаёқ фермер ҳўжалигидан 30 миллион сўмча соф даромад олинди. Қараб-сизки, қозон ҳам мой, чўмич ҳам...

"Авазхон барака топсин, элнинг узоғини яқин, оғирини енгиб қилмоқда" дейишди ён-атрофдагилар. Кўпнинг мактовти - улуг мукофот. Авазхон Азимов янги Азим ота маҳалласи таркиби топшида бошчилик қилди, бу кичик маҳалла ҳудудида табиий газ, ичимлик суви келтиришда бош-қош бўлди. 53-мактаб биносини қуриб, маҳалла болаларига туҳфа этди! Бу мактаб учун янги ўқув жиҳозлари, компьютер сотиб олишга, ўқувчиларга иссиқ овқат берилишига ҳамда мактаб ўқитувчиларининг ўз вақтида маш олиб туришларига Авазхон Азимов ўз ҳисобидан маблағ ажратди! Мана шундай фидойи одамни мақтамасдан бўладими, ахир?!

Тошкент вилояти

Орамизда бой-бадавлат бўлиб

Орамизда бой-бадавлат бўлиб яшаётган тадбиркорлар кўп. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам эзулик йўлида лирик ҳажмга маблағни сарфлайвермайдилар. Пули қўпайса иморат тиклайди, хизмат турларини кўпайтиради, миллионларини миллиардларга айлантириш истагида елиб-югуради. Тўғрида, қўшимча даромад кўплик қилмайди. Лекин Авазхон Азимов фақат ўзим бўлай дейдиган одамлар тоифасидан эмас. У ён қўшнилари, таниш-билишлари, кексалар, хасталар ва ёрдамга муҳтож маҳалладошларини бирор лаҳза ёддан чиқармайди. Доимо уларнинг аҳволидан бохабар бўлади. Унинг бу фазилатини яхши билган кишилар янги ташкил этилган Азим ота маҳалласига кўчиб келмоқдалар. Маҳалла ҳудуди кун сайин кенгаймоқда. "Мен барпо этган теракзорлар мана ўн йилдирки тобора қалинлашиб, бақувват дарахтларга айланаётир. ҳадемай бу дарахтларни кесиб, янги-янги уйлар қурилиши учун сарфлаймиз" дейди Авазхон Азимов сўхбатлар чоғида.

Ҳа, истиқлол кашф этган қаҳрамонлар орасида Авазхон Азимовнинг ҳам борлиги кўпайиб оҳангаронликлар қалбида фахр туйғуларини уйғотди. Бу фидойи ва куйинчак тадбиркор меҳнатлари эвазига ҳукуматимиз мукофотларига сазовор бўлди. "Меҳнат шуҳрати" ордени унинг кўксини безаб турибди.

Довруғи достонларга арзигулик "Авазхон" фермер ҳўжалиги жамоаси ва унинг етакчиси Авазхон Азимовнинг бундан-да юксак доволарни забт этишини истаб қоламиз.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Мавжлу қалб

Тўра Жуман — гайрати жўшқин кекса шоирларимиздан. Табаррук 80 ёшида ҳам шижоатни сўндирмай қалам тебратётган бу кекса ижодкор гайратидан ёшлар ибрат олгулик.


МЕХР ВА МУРУВВАТ

- Чўл, саҳронинг яшнаши ишга берилишлардан,
- Мехр сезилар аниқ ажойиб бўстонларда.
- Мехр, ишқ намоёнлар гўзал қурилишларда,
- Ижодкорнинг меҳри бор яхши шеър, достонларда.
- Ҳақиқий меҳр билан ватанда тараққийёт,
- Мурувват билан эса ишонч бўлар мустаҳкам.
- Ҳақиқий ихлос билан пайдо бўлар кашфийёт,
- Орзуга етар аниқ ким иш қилса чинакам.
- Инсонпарвар тадбирлар ҳар томонда авж олди,
- Ноғирон, муҳтожларга кўрсатилар мурувват.
- Кимлар совга устига қўшиб даста гул олди,
- Инсонлар орасида қўпаяр эъзоз, ҳурмат.
- Чин юракдан айтаман, омон бўлсин Юртимиз,
- Ҳар кунимиз эй дўстлар, Наврўздек бўлаверсин!
- Фақат бахт-иқбол кўргин, эй, ҳамроҳим, йўлдошим,
- Ҳар босган қадамимиз зиёда бўлаверсин!

Тўра ЖУМАН



Олам



Турфа

ЛИЛИПУТЛАР ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?

Аллоҳ табиати нақадар сирли яратган. Ҳатто турли хилдаги инсонларни кўриб бу синоватни идрок қилиш мушқул эмас.

Ҳар бир нарсанинг ўз таърифи бўлганидек, паст бўйли кишиларга нисбатан ҳам таъриф мавжуд: бўйи 1 метр 35 см.дан (20 ёшгача) ошмаган паст бўйли инсон - лилипут деб аталади.

Дарвоқе, лилипутларни ер юзининг деярли барча минтақаларида учратиш мумкин. Социологларнинг кузатишларидан шу нарса маълум бўлдики, лилипутларнинг 40 фоизи меъри бўйга эга бўлган кишилар билан турмуш қуришар экан.

Ҳозир га қадар ер шарида яшаётган 4 мингга яқин лилипутлар олимлар томонидан ҳисобга олинган. Маълумотларга қараганда, уларнинг аксарият қисми Африка қитъаси, Гвения ороли, Жанубий Италия, Ҳинд океанида жойлашган Актаман оролида ҳамда Англияда истиқомат қилишади.

Ўтмиш халқлар тарихи билан шуғулланувчи олимлар — антропологларнинг таъкидлашларича, қадимда яшаб ўтган лилипутларнинг бўйлари 38 см.дан 102 см.гача бўлган. Ҳатто улар бу фактларни 20 га яқин лилипутларнинг қолдиқ суякларини орқали исботлаб беришган.

Буни қарангки, бизнинг асримизда ва ўтган аср охирида энг паст бўйли киши сифатида Жорж Буффо эътироф этилади. Унинг бўйи бор-йўғи 40,6 см бўлиб, бу рақамлар кичкина лилипутнинг Геннесинг "Рекордлар китоби"га киришига сабаб бўлган.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ

Маънавият сабокару

ВАТАНДА ТУРИБ НИ СОҒИНИБ ЯШАМОҚ КЕРАК

Мустақиллик туфайли хорихда яшаётган ватандошларимиз она-юртларига келиб, Ватан соғинчи ҳақидаги сўзларни энтиқиб айтишганида, юрагингиздаги ифтихор дарахти гуллаб кетгандек бўлади. Иймоннинг мустаҳкам деворидек қад қўтарган Масъулият эса кўларингизга тикилиб туради. Унинг нигоҳида савол бордек туюлади: "Ватанни соғиниб яшашимизми биз?" Сизни ҳам ўйлантириб қўядими бу савол? Қизиқ-а, Ватанда яшаш, Ватанни соғиниб яшамок... Аслида-чи...

Тонда туриб, Яратган берган буюғида шукроналар айтиб, Ҳаёт отлиги йўлга чиққанингизда, албатта, Бахтни соғиниб одамлар оқимида қўшилиш. Шу сиз кутган Бахт соғинчида оиланингизнинг тинчлигини тортиниб, унинг фаровонлигига бўлган яхши ниятларингиз бор. Ўқиб... Сизни тушунишди. Ҳақиқат чархиде чархланавериб, қўлга айланасиз. Энди Сиз диёрини соғиниб яшайсиз. Бу соғинч дилингиз тубидаги ўчмаган чироқнинг шуъласидан сизга мадал бериб туради.

Келсам? Унинг хаста кўнглидаги бу армон Ватан соғинчи эмасми? ... Пискентлик уруш қатнашчиси Жўламон бобо фронтдан бир оёғидан ажралиб қайтган. У атиги 18 ёшда эди ўшанда. Узи тўзим берди, бахтни соғиниб, бахтни топди, диёнатсизлар билан курашиб, диёнатни топди. Бола-чақадан — бир этак. Шу олам йилда икки марта Мустақиллик майдолидаги Она ҳайкали олдида келди. Отанинг раъйдан кечолмаган фарзандлар ҳайрон. Фақат унга ҳамроҳ бўлиб юрганларида пичирлаб айтилган сўзлар элас-элас эшитилди: "Соғиниб келдим, кўргим келди-да..." Бундай соғинчлар кўзларингизга нур бўлиб киради. Ватан соғинчи бу, Ватан соғинчи...

... Саксон ёшни хатлаб ўтган Мўмин уста билан Саломат энадан гап олсангиз, сизга соғинчдан дарс ўтади. "Ватан соғинчнинг мендан сўра", — дейди уста ёстиғидан бош қўтариб. "Отаним қўлоқсан, деб қамашди, ўғлимни "пахта иши" деб қамашди, ўзимни "омисан" деб қийнашди. Чилалим, чилалим, шундай кунларда Ватанни бирам соғинар эдим-эй. Бизни соғинтириб яшашдан айирмасин, илоийм".

Усталдан эшитган гапимга ҳайрон қолиб, ҳайрон тураман.

Мен нима ҳам дердим, фақат қўлимдаги қаламга қараб, уялиб кетаман. Ватан соғинчнинг сўзларида яшната олмадим, мисраларда ҳайратлардек тоштира олмадим. Таскинларим — Ватанни соғиниб яшашдан айирмасин, илоийм. Ҳаёт йўлида қўшилишиб бораётган, сизиролмаган бу мурғак қалб эгаси ўз таассуротларини бир сўзга қайта-қайта такрорлайди: "Бирам гўзал, бирам ажойиб". Унинг болиқ ҳайратларида Ватан соғинчи куртаклай бошлади. Энди унга эл меҳри — Қуёш, юрт қудрати — Осмон бўлади.

— Етмайпти, — деди. Бойлик...

Бахт ва Диёнат соғинчи сизни эгилтирмайди, ноумид қилмайди, уриниб-суринибларга чорлайверади. Ватан соғинчи эса...

Урф-одатларимиз...

ИСИРҒАНИГА МАЙСА ИЛА

Кўхна Шарқ алломалари Наврўзни "умид оий" деб атаганлар. Ҳақиқатдан бу айёмда кўнглидаги орзу-умидлар жўш уради, эзгуликлар сари чоғланамиз. Кишиларимиз шу кутлуг кун билан боғлиқ урф-одатларга яхшилик умидида ёндашиб, хали хануз адо этиб келадилар.

ЗИРАККА ИЛИНГАН МАЙСА

Фарзандталаб аёлнинг қўлоғидаги исирғага янги унган буюғи майсани илдириб қўйиш одатига Сурхон воҳаси қишлоқларида ҳозирга амак қилинади. Айни Наврўз кунларида шундай қилинса, гўёки аёл тезда юкли бўлармиш. Сумалак қозони атрофида момолар келинчақларнинг исирғаларига майса илarkan, "Фарзандларинг буюғи доналаридек кўп бўлсин" дея дуо қилишади.

ЙИЛ ОШИ

Наврўз кунин Самарқанд қишлоқларининг қиру адирларида каттаю кичик йиғилиб давра куради. Уртага дастурхон ёзилиб, йил оши (йилгўжа ҳам дейилади) тортилади. Бу қандай таом? Аёллар Наврўз дастурхонини учун пиширилган турли овқатлар (ширғуроч, шавла, чучура ва ҳабиларни) каттакон идишга солиб аралаштиридилар ва лаганларга оз-оздан сузиш ҳаммага тарқатишади. Айтишларича, йил оши ҳосиятли таом бўлиб, ундан бир лўкма еган киши кейинги Наврўзларга қадар тетик ва саломат юрар эмиш.

РОССИЯЛИК ТАМАРА КУРНИЦКАЯ — 14 ФАРЗАНДГА ОНА

Кўплаб халкларда, хусусан, ўзбек халқида ҳам оилада кўп нафар фарзанд дунёга келиши унчалик гайриоддий ҳодиса саналмайди...

Аммо биз сўз юритмоқчи бўлган россиялик Тамара Курницкая 14 фарзандни дунёга келтириб, уларни юк ювиб оқ тараб келётганини эшитган кўпчиликнинг ҳайратдан ёқа ушлаши табиий. Россиянинг Ростов шаҳри фуқароси бўлган бу бардошли аёл ўзини дунёдаги энг бахтли она деб ҳисоблайди. Тўғри, Тамарага шунча фарзандни вояга етказиш осон бўлмайпти. У турмуш ўртоғи Александр билан ҳаёт ришталарини боғлаганида, "Ростсельмаш" заводига ишлар эди. Дастлабки 5 фарзанди дунёга келгунга қадар Тамара ўз оиласи билан яқин бир қариндошиникида яшаш, иш жойидан ваъда қилинган бошпанани

ТУХУМ УРИШТИРИШ

Жиззах вилоятининг маҳаллаю қишлоқларида бу одатта Наврўз кунларида алоҳида эътибор берилади. Чунки, кимнинг қўлидаги тухум уриштириш пайтида пачоқ бўлмаса, унинг даврада сўзи ўткир, иззати баланд саналаркан. Шунинг учун ҳам бу ерликлар орасида кўпинча "Тухум уриштириш пайтида ҳолингизни кўрамиз!" қабилда кинояли ҳазиллар айтиларкан.

ДАРВЕШОНА

Бу одатни бажаришдан мақсад асосан қабристонлар ободлиги ва орасталигини сақлашдир. Юртимизнинг дەرли барча қишлоқ ва маҳаллаларида Наврўз кунларида дарвешона ўтказилади. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганларнинг ҳаммаси дарвешона ҳашарида қатнашиб, қабристонлар ичларини ва ён-атрофларини супуриб-сидирадилар, гуллар экадилар. Шу кунни ҳар бир киши бундай хайри ва савоб юмушдан четда қолмасликка ҳаракат қилади.

АРҚОН ТОРТИШ

Сирдарёнинг кенг адирларида Наврўзни "арқон тортиш" сиз тасаввур этиш қийин. Бу беллашувда ҳатто аёллар ҳам қатнашадилар. Улар бешта-бештадан бўлиниб, икки томонга ўтадилар ва арқонни бараварига тортишади. Қайси гуруҳ кучли бўлса, арқонни тезда "ўзиники" қилиб олади. Арқон тортиш "ўз" чиққанлар давра аҳлининг мақтовита сазовор бўлишади.

ТУТМАНИ КИМ ЮТДИ?

Айрим дашт қишлоқларида бу одат хануз сақланиб қолган. Яъни, Наврўз кунин келинчақлар сутта ҳамир қўриб, сариёғли патир пиширадилар ва унинг ичига битта оқ тутмача солиб юборишади. (Патир пиширилмаган ҳолларда тутмача кўк чучура ичига солинади) Агар тутмача кимдир беҳтиёр тишлаб кўйса ёки ютиб юборса ушани олқишлашади. Сабоби, тишлаган патирдан тутма чиққан кишига бошланаётган йилда омад қилиб боқаркан.

КЕЛИН САЛОМ

Наврўз арафасида никоҳдан ўтган келинчақлар байрам сайли кунин саломга чиқадиладар. Улар гўёки Наврўзни, янги йилни қаршилаб, бутун элу юрта эгиллиб салом беришади. Келинчақлар ёнида кекса аёл уларга "Ҳазорали" айтиб туради. ("Ҳазорали" фақат келин саломда айтиладиган сўз)

Ассалом, келин салом, Барча-барчага салом. Буюғидога тўлсин хирмон, Нонга тўлсин дастурхон Ҳазорали...

Келин салом

"Келин салом" одати юртимизнинг ҳамма қишлоқ ва маҳаллаларида Наврўз кунларида адо этилади.

Гулчехра ЖАМИЛОВА



ҲАМИД НОРҚУЛ

Юнон-рум кураши

ТОШКЕНТДАН — АФИНАГА

13-14 март кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи юнон-рум кураши бўйича «Гран-при» туркумига кирувчи «Ўзбекистон Мустақиллиги Кубоги» ҳаақаро мусобақасига мезбонлик қилди. — Юртимизда кўплаб спорт турлари бўйича йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш анъаная айланган, — деди турнирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири уринбосари Алишер Азизжўев. — Мазкур мусобақада спортчилар соврили ўринлар ва йиғирма саккизта олимпия лицензиясини қўлга киритиш учун курашади. Афина йўлланмасига Тошкентда эга бўлган курашчилар Олимпиада уйинларида ҳам медалсиз қолмаслигини умид қиламиз. Дунёнинг олтинчи яқин давлатидан келган 160 нафардан зиёд курашчи етти вази тоифасида голиблик ва жорий йилда Афинада бўладиган Олимпиада уйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланмалар учун гиламга чиқди. Тошкентта келган спортчилар орасида Олимпиада, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларнинг голиб ва совриндорлари кўплиги мусобақа нуфузини янада оширди, шу билан бирга турнирнинг кескин, муросасиз курашларга бой бўлишини таъминлади. Олтинчи мартаба ташкил этилаётган «Ўзбекистон Мустақиллиги Кубоги» юнон-рум курашчилари учун олимпия лицензиясини берадиган сўнгги мусобақа бўлгани учун спортчилар бор тажриба

Тағбир

"ЎЛАН АЙТГАЛИ КЕЛДИК..."

анъанавий фолкълор санъат байрами шундай аталди

Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси ҳисобланмиш фолкълор санъатини янада ривожлантириш, қолаверса, унутилиб кетаётган миллий қадриятларимизни тиклаш борасида Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар Республика илмий-услугият маркази томонидан кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбек халқининг унут бўлиш арафасида турган қадимий халқ қўшиқларидан ўлан айтиш санъатини тиклаш мақсадида "Ўлан айтгали келдик" деб номланган фолкълор санъати байрами бу йил иккинчи мартаба Чилонзор туманига қарашли Гафур Гулом номи маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди.

Бу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар Республика илмий-услугият маркази ҳамда Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ҳамкорликда ўтказдилар.

Тадбир жуда қизиқarli ташкиллаштирилиб, ўланчиларнинг айтишуварли маданият ва истироҳат боғининг кўкаламзорлаштирилган майдонларида беллашув тарзида ўтказилди.

Фолкълор санъати байрамида Жиззах вилоятидан ташриф буюрган "Замин сайқали", Қашқадарё вилоятининг "Момогул" ва "Чирокчи чироқлари", сурхандарёлик "Бойсун" халқ фолкълор-этнографик жамоалари, Ойхон Ёкубова раҳбарлигидаги "Гавҳар" фолкълор ансамбли, Тошкент Давлат маданият техникуми талабалари ҳамда Тошкент вилоятидан келган ўланчилар Кимёхон Қосимхонова ва Асқарали Пардаевлар ижросидаги халқ ўланлари томошабинлар кўнглидан чўқур жой олди.

Зиевуддин РАҲИМОВ



“ОКЕАН ОРТИДАН НАВРЎЗНИ СОҒИНДИК”

дейди америкаликларга сабоқ бераётган хоразмлик Зоиржон Иброҳимов

— Отажон, яқинлашиб келётган байрамнингиз билан кутлайман. Мана онажоним ҳам ёнимда турибдилар. Америкада туриб, Наврўзни соғиндик. Сумалак, кўк баракларни... Сизларга соғлик, бахту иқбол, бутун дунёга тинчлик, омонлик тилаймиз.

Қисқагина мулоқот отага бир олам қувонч бағишлади. Ўз шодлиқларини оиласи, қариндошлари, элдошлари билан баҳам қўришга ошқиди. Ахир уларни табриқлаб қўйишни илтимос қилди ўғли.

...Хива тумани Чинобод қишлоғида яшаётган Шавкат ака Иброҳимов — зиёкор. Ўттиз йилдан ошқ қишлоқ хўжалик техникуми (ҳозирги Агробизнес коллежи)да математика фанидан сабоқ берди. Умр йўлдоши Тўхтажон опа ҳам шу фандан ёшларга илм ўргатди. Фермер фарзандлари ҳам бор. Аммо икки нафар ўғли ота-онаси изидан боришди. Зафарбек Урганч Давлат дорилфунунида ишлайди. Математикадан номзодлик диссертациясини ёқлашга ҳозирлик қўраяпти. Зоиржонга эса бу бажарилмаган ва бошқачароқ тарзда қилиб боқди.

ЎЗМУНИНГ ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИГА ЎҚИШГА КИРДИ. Ўқиниш Новосибирскдаги олийгоҳда давом эттирди. Оила қурди. Тўйдан кейин иккала ёш океан ортита — АҚШга йўл олишди. Оклохома университетиде иш бошлади. Зоиржон дастлаб устози Геринг раҳбарлигида номзодлик, 2003 йилнинг май ойида эса докторлик диссертациясини ёқлади. 34 яшар хоразмлик

С.АБДУЛЛАЕВ

СУРАТДА: Зоиржон Иброҳимов АҚШда докторлик диссертациясини ёқлаган кун турмуш ўртоғи, онаси ва фарзандлари билан.

КЕЛТАЙТган душанбада молиявий шартномалар имзолашдан сакланнинг. Сизни алдашга ҳаракат қилишлари, ҳатто бунга эришишлари мумкин.

СИҒИР (22.04.20.05)

Етарли даржада текширилмаган маълумотларга асосланиб иш қўриш оқибатида катта муаммоларга дуч келасиз. Вазиятга қараб иш тутинг.

ЭГИЗКАПЛАР (22.05-21.06)

Айни кунларда сизга жуда катта фойда келтирадигандек туюлган ишларни тўхтайтиб туриш маъқулроқ. Бунга эришолмасангиз айрим кўнгилсизликлар юз беради.

ҚИСҚИЧБАКА (22.06-22.07)

Шу кунларда юқори раҳбарият билан муносабатда ниҳоятда эҳтиёткор ва ҳушёр бўлишингиз лозим. Фикрингиз билан жуда қизиқсаларгина сўзланг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Айни кунларда олатдаги майда-чуйда ташвишларни билан банд бўлганингиз маъқул. Ҳарқолда кичик бўлса ҳам муаммоларни бар-тароф этасиз.

ПАЗИЗОД (23.08-22.09)

Мерос, уй-жой ва бошқа мулклар билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш учун жуда нуқулй кунлар олднгизда турибди. Кўпроқ дам олинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ҳамкасбарингиз шаънига танқидий фикр билдиришдан олдин керак бўлса юз мартаба ўйлаб қўринг. Икки киши тортишадиганда ўртага тушманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Оила аъзоларингизнинг сизга нисбатан ортиқча қаттиққўлликни кўнглингизни орғитиши мумкин. Лекин сиздан уэр сўрайдилар.

ЎКОТАР (23.11-21.12)

Ўзингиз тўғрингизда гийбат гаплар эшитиб қолсангиз ҳам оғир-босиқ бўлишга ҳаракат қилинг. Шундангина бу гап-сўзларга барҳам бера оласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)

Ҳар қандай соҳага доир масалаларни ҳал этишда далол, ўртада турувчиларнинг рост-гўйлигига ишонманг. Айни кунларда сизни чув туширишлари мумкин.

КОВРА (20.01-18.02)

Руҳан кўтаринки кайфиятингизга қарамай, кейинги кунларда ишларингиз унчалик ҳам олгга босмайди. Ишнинг, омадди кунлар сизни кўп куттирмайди.

БАЛИК (19.02-20.03)

Бугун ва эртага қандай ишга қўл урсангиз ҳам муваффақиятга эришасиз. Дам олиш кунларини онда даврасида ёки меҳмондорчиликда ўтказинг.

Mahalla logo and contact information for the newspaper, including phone numbers and address details.